




Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 83 (12.144)

Баҳоси эркин нарҳда



Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 февралда қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилиб, замонавий уй-жой билан таъминланмоқда.

Соҳа ходимларидан яна 36 нафари пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида жойлашган кўпқаватли уйга кўчиб ўтди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов мамлакатимизда аҳоли манфаатларини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида ёш оилалар турмуш фаровонлиги тобора юксалаётганини таъкидлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2012 йил — Мустаҳкам оила йили ЁШ ОИЛАЛАРГА ЯНГИ УЙЛАР

Кучли ижтимоий сиёсат Президентимиз Ислом Каримов томонидан мустақил давлатимизни барпо этишда асос қилиб олинган энг муҳим тамойиллардан биридир. Мустаҳкам оила йилида бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Ватан, халқ тинчлиги, осойишталиги ва равнақи йўлида хизмат қилаётган ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, меҳнатини рағбатлантириш масаласига ҳам давлатимиз томонидан доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

— Мустаҳкам оила йилида янги уйга кўчиб ўтганимиз оиламиз

қувончига-қувонч кўшди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги катта тезкор вакили Сардор Расулов. — Бундай эътибор ва ғамхўрлик биз, ички ишлар ходимларига эл-юртимиз тинчлиги йўлида янада фидойлик билан меҳнат қилишдек улкан масъулият ҳам юклайди.

**Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ**

Ўтганлар руҳини шод этиш, кекса ва нурунийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан. Истиқлол шарофати ва Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бундай эзгу қадриятларимиз яна қадр топди. Халқимиз 9 майни Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонлаши бунинг ёрқин далилидир.

Бу йил ҳам ушбу умумхалқ байрами муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ, уруш қатнашчилари ва ногиронлари моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаётган.

Бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик уларнинг кўнгилни янада кўтармоқда. Бунинг 90 ёшга қарши олиб, пиру давлат ҳаёт кечираётган тошкентлик Иброҳим ота Исомиддинов ҳаётида ҳам кўриш мумкин.

— Уруш асорати, ҳаёт ташвишлари инсон вужудида ҳам ўз изларини қолдиради экан, — дейди ЎЗА мухбирига Иброҳим бобо. — Баъзан ўзимни беҳол ҳис этганимда давлатимиз кўрсатаётган доимий ғамхўрлик менга қувват беради. Турли ташкилотлардан йўқлаб келишди, саломатлигимдан хабар олиб туришди. Меҳр ва эътибор оғушида, шундай тинч-осойишта, дориломон кунларда яшаётганимга беҳисоб шукр айтаман.

Иброҳим ота узоқ йиллар таълим соҳасида меҳнат қилган. Бугун 17 неварга, кўплаб чеваранинг суякли бобоси.

— Невара, чевараларим мендан уруш ҳақида сўзлаб беришни сўрашади, — дейди Иброҳим ота. — Мен эса у кунларни эслашни ҳам хохламайман. Фақат тинчликдан, яхши кунлардан гапираман. Уларга бугунги тинч-осуда, эркин ҳаёт худаям улуг неъматлигини, унинг қадрига етиш зарурлигини уқтираман. Мустақиллик йилларида хизматларимиз янада қадр

топди. Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларига биноан «Жасорат» медали билан тақдирландим. Ўтган йили «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги 20 йил» эсдалик нишонини олдим. Бундай эътибор биз, кексаларнинг кўнгилни тоғдек кўтарди, умримизни янада узайтирди.

Ха, кексалар ҳақмати — биз учун катта ҳаёт мактаби. Улардан ўзлгимизни англашни, одамийлик фазилатларини улуғлашни ўрганишимиз. Узоқ ва яқин ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисалардан бугунги ва эртанги кунимиз учун зарур сабоқлар чиқарамиз. Фарзандларимизни ҳам ана шундай жасорат ва қаҳрамонлик руҳида тарбиялашга, улар қалбида Ватанга, шу азиз юртга дахлдорлик, гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга интиламиз.

Мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда бу жиҳатлар яна бор ўз ифодасини топмоқда. Ўқув муассасалари, маҳаллалар ва корхоналарда факрийлар иштирокида мазкур санага бағишланган учрашувлар, маърифий-бадиий кечалар ташкил этилмоқда.

«Нуруний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимида маълум қилишларича, бугунги кунда пойтахтимизда 1 минг 200 нафардан ортик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилмоқда. Тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида уларнинг ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Анвар САМАДОВ

Яқинда Хитой Халқ Республикасининг Сиан шаҳрида бўлиб ўтган 16 - Савдо-сармовий ҳамкорлик анжумани доирасида мамлакатимиз делегацияси Хитой ғарбий минтақаларининг 11-Халқаро иқтисодий кооперация ярмаркасида иштирок этди.

ХИТОЙДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Мазкур йирик иқтисодий анжуман доирасида ташкил этилган савдо-сармовий палаталари ва уюшмаларининг халқаро конференцияси чоғида мамлакатимиз сармовий, иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Шеньси провинциясининг ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари, Хитойда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг замонавий ҳолати билан бирга мамлакатимизда яратилган қўлай сармовий муҳит тўғрисидаги афро-лиха маълумотлар ушбу конференция иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди.

Таъкидлаш жоизки, юқори технологиялар соҳасидаги ўзаро алоқалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиззах вилоятида Хитой компаниялари иштирокида Юқори технологиялар саноат паркинни яратиш ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг замонавий ҳолати билан бирга мамлакатимизда яратилган қўлай сармовий муҳит тўғрисидаги афро-лиха маълумотлар ушбу конференция иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди.

Таъкидлаш жоизки, юқори технологиялар соҳасидаги ўзаро алоқалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиззах вилоятида Хитой компаниялари иштирокида Юқори технологиялар саноат паркинни яратиш ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг замонавий ҳолати билан бирга мамлакатимизда яратилган қўлай сармовий муҳит тўғрисидаги афро-лиха маълумотлар ушбу конференция иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди.

Таъкидлаш жоизки, юқори технологиялар соҳасидаги ўзаро алоқалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиззах вилоятида Хитой компаниялари иштирокида Юқори технологиялар саноат паркинни яратиш ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг замонавий ҳолати билан бирга мамлакатимизда яратилган қўлай сармовий муҳит тўғрисидаги афро-лиха маълумотлар ушбу конференция иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди.

Таъкидлаш жоизки, юқори технологиялар соҳасидаги ўзаро алоқалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиззах вилоятида Хитой компаниялари иштирокида Юқори технологиялар саноат паркинни яратиш ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг замонавий ҳолати билан бирга мамлакатимизда яратилган қўлай сармовий муҳит тўғрисидаги афро-лиха маълумотлар ушбу конференция иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди.

Таъкидлаш жоизки, юқори технологиялар соҳасидаги ўзаро алоқалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиззах вилоятида Хитой компаниялари иштирокида Юқори технологиялар саноат паркинни яратиш ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг замонавий ҳолати билан бирга мамлакатимизда яратилган қўлай сармовий муҳит тўғрисидаги афро-лиха маълумотлар ушбу конференция иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди.

Таъкидлаш жоизки, юқори технологиялар соҳасидаги ўзаро алоқалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиззах вилоятида Хитой компаниялари иштирокида Юқори технологиялар саноат паркинни яратиш ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг замонавий ҳолати билан бирга мамлакатимизда яратилган қўлай сармовий муҳит тўғрисидаги афро-лиха маълумотлар ушбу конференция иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди.

Таъкидлаш жоизки, юқори технологиялар соҳасидаги ўзаро алоқалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиззах вилоятида Хитой компаниялари иштирокида Юқори технологиялар саноат паркинни яратиш ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг замонавий ҳолати билан бирга мамлакатимизда яратилган қўлай сармовий муҳит тўғрисидаги афро-лиха маълумотлар ушбу конференция иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди.

Таъкидлаш жоизки, юқори технологиялар соҳасидаги ўзаро алоқалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиззах вилоятида Хитой компаниялари иштирокида Юқори технологиялар саноат паркинни яратиш ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг замонавий ҳолати билан бирга мамлакатимизда яратилган қўлай сармовий муҳит тўғрисидаги афро-лиха маълумотлар ушбу конференция иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди.

Таъкидлаш жоизки, юқори технологиялар соҳасидаги ўзаро алоқалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиззах вилоятида Хитой компаниялари иштирокида Юқори технологиялар саноат паркинни яратиш ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг замонавий ҳолати билан бирга мамлакатимизда яратилган қўлай сармовий муҳит тўғрисидаги афро-лиха маълумотлар ушбу конференция иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди.

«Жаҳон» АА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган муҳандислик-педагогика институтида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. У Президентимиз Ислом Каримовнинг Тошкентда ўтказилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференция очилиш маросимидаги нутқининг мазмун-моҳиятини ёшларга янада кенгрок тушунтириш ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланди.

● «Шўрчидон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти жамоаси 15 гектарлик қаровсиз майдон ўрнида меваги боғ барпо этиб, касаначилик асосида 15 кишини ишга жалб қилди. Боғдорчилик мазкур йирик корхонанинг йигирманчи ёрдамчи тармоғидир. Донни қайта ишлаш, тикувчилик, маиший ва сервис хизматлари кўрсатиш, қорвачилик йўналишларига ихтисослаштирилган ушбу жамиятда айна пайтда 50 киши кооперация шартномаларига асосан касаначилик фаолияти билан машғул. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ўтган йили 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Айтиш жоизки, жорий йилда вилоятдаги 383 та саноат корхонасида 2150 та касаначилик иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

● Богот туманида фаолият бошлаган «Эко Фаррух» масъулияти чекланган жамияти жамоасига дастлабки 310 миллион сўмлик буюртма келиб тушди. Тадбиркор Фаррухбек Тохир ташаббуси билан ташкил этилган ушбу корхонада пластик профилдан эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 100 миллион сўм сарфланди. Айна пайтда жамоа, асосан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги тураржойлар қурилишига ўз маҳсулотларини етказиб берапти.

ЖАҲОНДА

● Германиянинг Ганновер шаҳрида «Hannover Messe 2012» халқаро кўргазмаси давом этмоқда, деб хабар беради РИТА-ТАСС. Унда юқори технологиялар, инновацион лойиҳалар, саноатда фойдаланиладиган автоматлаштирилган техника ва технологиялар, замонавий электрон ускуна ва асбоблар намоиши қилинмоқда. Қарийб етмиш мамлакатдан беш мингга яқин фирма ва компания иштирок этаётган ушбу кўргазма иштирокчиларининг асосий эътибори энергияни тежайдиган, атмосферани ифлослантирмайдиган экологик тоза маҳсулотларга қаратилган.

● Маълумки, бош мия организм фаолиятини бошқариб турувчи марказий орган дур. Бизнинг ҳаракатларимиз, аъзолар фаолияти, моддалар алмашинуви, фикрлашимиз, сезгиларимиз, ҳиссиётларимизнинг барчаси бош мия фаолиятига боғлиқ. Америкалик олимларнинг айтишича, инсон организмидеги ҳолестерин моддаси микдорини бош мия ёрдамида тартибга солиш мумкин экан. Мутахассисларнинг фикрича, очлик ҳиссини уйғотувчи грелин гормони ҳолестерин микдорини назорат қилар экан. У орқали бош мия жигарга танадаги ҳолестерин моддасини «чиқариб юбориш» тўғрисида «буйруқ» бериши мумкин.

● Австралида чекишга қарши курашиш мақсадида тамаки қутиларида фирма номларини ёзмаслик тўғрисида қонун қабул қилинди. Энди фақат ашилл рангда ишлаб чиқарилиши лозим бўлган сигарет қутиларига катта ҳарфлар билан ушбу маҳсулотнинг саломатликка зарари ҳақидаги огоҳлантирувчи қайдлар ёзилади. Бу қарордан норози бўлаётган тамаки ишлаб чиқарувчи компаниялар вакиллари эса қутиларда фирма номини кўрсатмаслик қалбаки маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кескин ошишига олиб келишини таъкидламоқда.

● Кеча Жазоирда 5,0 балли zilzila юз берди. Сейсмологларнинг хабарига кўра zilzila Жазоирнинг пойтахт шаҳридан 200 километр ғарбда содир бўлган. Қурбонлар ва вайронагарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗНИНГ** Чилонзор туманидаги 23-сонли Меҳрибонлик уйида Ўзбекистон Респуб-

ликаси Халқ таълими вазирлиги, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси, «Экомактаб» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида «Оламни яхшиликка буркайлик» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Тегга Group» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ўтказилаётган «Марди майдон!» жонли ижродаги кўшиқлар фестивалининг навбатдаги босқичи якунланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида «Мустаҳкам оила — жамият пойдевори» туркумидаги анъанавий он-лайн мулоқотларнинг энг фаол иштирокчилари тақдирланди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан мазкур йўналишда белгиланган меъририй-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари Р.Сафоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий медиа тизимни изчил ислох этиш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда газета, журнал, ахборотнома-бюллетень, радио, телевидение, ахборот агентликлари, веб-сайтлар каби жами етти турдаги оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинган. Улар Ўзбекистонда яшаётган миллатларнинг етти тилида ва сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маъ-

навий-маърифий, спорт каби йигирмадан ортик ихтисосликлар бўйича фаолият олиб бормоқда. 2012 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг умум-

ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАЛАРИ

мий сони 1254 тани ташкил этади. Улардан 706 таси газета, 255 таси журнал, 16 таси ахборотнома-бюллетень, 4 таси ахборот агентлиги, 64 телевидение, 36 радио, 173 таси веб-сайтлардир.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида медиа соҳани из-

чил ислох этишга доир миллий қончилигимизни такомиллаштириш бўйича долзарб вазифалар белгиланган. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»-ги, «Оммавий ахборот воситалари ва ахборот олиш соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги ҳамда «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»-ги қонунларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди. Уларни тайёрлашда соҳадаги долзарб масалалар, хорижий давлатлар тажрибаси, мутахассислар ва кенг жамоатчилик фикри атрофлича ўрганилди.

Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрнини янада юксалтириш, уларнинг моддий-техник базаси ва иқтисодий аҳолини мустахкамлаш, ҳамюртларимизнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига батафсил жавоблар қайтарилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

ОИЛА — ЖАМИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ БЎГИНИ

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистон фуқаролари «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида оиланинг мавқеини ошириш, унинг манфаатларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, жисмонан соғлом, маънан етук баркамол ёш авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни қандай баҳолашига бағишланган ижтимоий тадқиқот ўтказди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан аҳоли вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов 2011 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида оила институти жамиятимизнинг асосий бўғини эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, оила институти халқимиз ҳаёти, истиқлол йилларида мамлакатимизда барча жабҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Айниқса, оила мамлакатимиз тараққиётининг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади. Оила учун хос бўлган авлодлар ворисийлиги халқимизнинг энг яхши аъёнларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, жамиятимизнинг маънавий, маърифий асосларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўтказилган сўров мамлакатимиз аҳолиси давлатимиз раҳбарининг оила институти янада мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлашни яна бир қарра тасдиқлади. Улар мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлардан мамнун ва келажакка ишонч билан қарамоқда.

Ҳозирги вақтда бу борадаги ишлар Президентимиз Ислам Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Сўров аҳолининг ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган кенг қўламли ишлар салмоқли натижалар бераётганини кўрсатди. Бу умуман фуқаролар ҳуқуқий саводхонлиги ошаётгани, жумладан, уларнинг оила тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси ва Оила кодексининг тегишли қоидаларидан юқори даражада хабардор эканидан далолат беради.

Сўров қатнашчиларининг фикрича, миллий қонунчилигимиз оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларни мустаҳкам ҳуқуқий асосда қуришга кўмаклашмоқда. 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Оила кодекси ушбу соҳадаги асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Сўралганларнинг аксарияти Оила кодексини оилада тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашга хизмат қиладиган ҳуқуқий ҳужжат, деб билди. Масалан, уларнинг 64,4 фоизига кодекс нормаларидан фойдаланиш ўз оилалари ҳамда қариндошларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имконини берган.

Оила қуриш — бу масъулиятли иш бўлиб, ёшларнинг ўзлари учун янги бўлган ижтимоий мақомга ҳар томонлама тайёргарлик кўришларини тақозо этади. Сўровда фуқароларнинг кўпчилиги ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларни оиладаги муносабатларни тартибга солиш бўйича қонунчилик билан таништириш зарур, деб ҳисоблайди. Ота-оналар эса, ўз навбатида, ушбу масалада ёш оилаларга кўмаклашишга тайёр. Сўров қатнашчиларининг бундай ҳамжиҳатлиги аҳоли ўртасида қонуннинг обрў-эътибори ошиб бораётганидан далолатдир. Кўпчиликнинг фикрига кўра, ёшларнинг оила тўғрисидаги қонунчиликни билиши ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мустаҳкам ва соғлом оила қуриш учун зарурдир.

Шунингдек, сўров давомида мамлакатимиз фуқароларининг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган ёш оилаларни ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини оширишга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар комплексини тўлиқ қўллаб-қувватлашни аниқланди. Сўров иштирокчилари Мустаҳкам оила йили вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини ошириш, хусусан соғлом оилани ташкил қилиш, мустаҳкамлашга доир амалий вазифаларни ҳал этишда маҳалла институтининг ролини кучайтириш, ёшлар ўртасида оила қонунчилиги соҳасида тушунтириш ишларини кенгайтириш мақсадида қатор тақлифларни ҳам билдирди.

Сўралганларнинг умумий фикрича, истиқлол йилларида мамлакатимизда оила муносабатлари анча мустаҳкамланди, оилалар фаровонлиги ва турмуш даражасининг ошгани давлатимиз раҳбарининг оила институти, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ўйланган сиёсатининг ёрқин натижасидир. Фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралда қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қароридан кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жамиятимизда оиланинг мақомини янада ошириш ва умуман, мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш имконини беришига қатъий ишонади.

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАДА

Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими бош бошқармалари, саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамкорлигида уюштирилди.

Анжуманда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг аҳамияти, турли касалликларнинг олдини олиш, ёшлар орасида тиббий маданиятни кучайтириш ҳамда аҳолининг барча қатламлари орасида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини кенг тарғиб қилиш масалалари юзасидан фикрлар билдирилди.

— Инсон саломатлигини муҳофазалаш, мустаҳкамлаш ва юқули касалликларнинг олдини олиш, даволаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир, — дейди шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиги ўринбосари Раъно Хайитбоева. — Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошири-

Яқинда 7-шаҳар клиник шифохонасида, «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола», «Юксак билимли, интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарт» ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг моҳияти мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

лаётган кенг қўламли ислохотлар негизда, халқ саломатлигини асраш, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини теран англашимиз даркор. Бинобарин, дунёда инсон саломатлигидан, унинг бахтли ва фаровон ҳаётдан муҳимроқ нарсанинг ўзи йўқ. Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар юксак билимли ва интеллектуал жиҳатдан ривожлан-

ган авлодни тарбиялаш, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, аҳоли кенг қатлами орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни турмушга тайёрлаш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш борасидаги тақдир ва фикрларини билдирди.

Гулчехра ДУРДИЕВА



«Shodlik Palace» меҳмонхонасида Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Мамлакатда ёшларни касб-хунарга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчиликка етказишда ОАВнинг ўрни ва роли» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманлар ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ОАВНИНГ ЎРНИ

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Республика Ташхис марказининг масъул ходимлари ҳамда марказий босма ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияда ёшларни касб-хунарга йўналтиришга қаратилган давлат сиёсати, жумладан уларнинг қизиқишлари, қобилияти ва имкониятига мос бўлган мутахассисликни эгаллашларига кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти билан жамоатчиликни кенг қамраб олиш, мазкур йўналишда журналистларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни бу борадаги маълумотлар билан тўла таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига кўмаклашиш орқали уларни турли иллатлар таъсиридан ҳимоялашда ОАВ вакиллари масъулиятини кучайтириш масалалари муҳофазат этилди.

— Бугун ўз ишимни йўлга қўйиб даромадимни ошираман, деган киши учун банк тизимида қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилган. Бу эса оилавий тадбиркорлик ривожига муҳим омил бўлаётгани, — дейди Марказий банк кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш муровофиқлаштириш департаменти директори Актам Сайфуллаев. — Рақамларга мурожаат қилсак, ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банклар тўрт триллион 41 миллиард сўмдан ортик маблағ йўналтирди. Бу 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп.

Шунингдек, кредит олиш ва уни расмийлаштириш бўйича қатор имтиёзлар яратилди. Хусусан, яқка тартибда бўладими, юридик шахс мақомига эга тадбиркор бўладими, давлат рўйхатидан ўтгач, умуман, ҳақ ундирмасдан банкда ҳисоб рақами очилди. Бундан ташқари, кредит аризасини кўриб чиқиш муддати ҳам кескин қисқарди. Яъни, микроолиявий хизматлардан фойдаланиш учун кредит ажратишни кўриб чиқиш муддати илгари 10 кун бўлган, ҳозир эса кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни банк 3 кун ичида кўриб чиқади. Ўйлаймизки, бу имкониятлар аҳоли-

нинг ишбилармонлик қобилиятини рўёбга чиқаришда кўл келади, янги иш ўринлари очилишига хизмат қилади.

Жорий йилда ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланган. Шу мақсадда улар учун 68,2 миллиард сўм миқдорда кредит ажратиш кўзда тутилган. Бу рақам коллеж битирувчилари учун 28, 3 миллиард сўмни ташкил қилади. Ўйлаймизки, бу ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш, шу билан бирга уларнинг бандлигини таъминлаш имконини беради.

Ўтган йили ҳамкор ташкилотлар билан қатор лойиҳалар амалга оширилди. «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор», «Менинг бизнес лойиҳам» каби тадбирларда иштирок этган кўплаб ёшлар ўз ишларини бошлашлари учун имтиёзли кредит сертификатларига эга бўлишди.

Касб-хунара коллежларини битирган ёшларни тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Хусусан, коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва ўз бизнесини ташкил этиши учун «Микрокредитбанк» томонидан имтиёзли кредитлар берилиб, бундай имтиёз ва имкониятдан фойдаланган минглаб битирувчи бизнес-режа асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўётгани конференцияда таъкидланди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшларни касб-хунарга йўналтириш, мутахассислик эгаллашларига кўмаклашиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларни кенг амалга оширишга етказиш муҳим аҳамиятга эгаллигини, бу борада намунли иш олиб бораётган корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини кенг тарғиб қилиш, оммалаштириш, соҳага жалб қилиш ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларнинг турли иллатлар таъсирига тушиб қолмаслиги ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашишда ОАВ вакиллари масъулиятини кучайтириш лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

Зиёда РАСУЛОВА

«Тошкентдонмахсулотлари» очик акциядорлик жамияти жамоаси етарли ҳаётий ва касбий тажрибага эга бўлган малакали мутахассислардан ташкил топган. Ҳар бир ишга масъулият билан ёндошиб, технологик жараёнларни ривожлантиришга бош-қош бўлаётган етук мутахассис Улуғбек Ибодбеков ана шу жамиятнинг сардори янглиғ ҳурмат-эътибор топмоқда.

СУТКАСИГА 130 ТОННА МАҲСУЛОТ

— Корхонамиз тўлиқ модернизация қилиниб, техник қайта жиҳозланди. Янги техникаларга эга бўлдик, — дейди бош муҳандис Улуғбек ака. — Бундай ўзгаришларни корхонамизнинг «Тошкент гуруч» филиали фаолияти мисолида ҳам қўришимиз мумкин.

Бу ерда замонавий тегиримондан фойдаланилмоқда. Бир кеча-кундузда 130 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу дастгоҳ Туркиядан олиб келиб ўрнатилди. Голландия компанияси дастгоҳи эса омухта ем ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Ёрма ишлаб чиқаришда ҳам қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда. Арпа ёрмаси, маккажўхори, буғдой ва сорго ёрмаси ҳам кўплаб тайёрланмоқда. Арпа ва жавдандан ҳам ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уруғ тозалаш цехларимизда ҳам замонавий қурилмалардан унумли фойдаланилмоқда. «Петкус» русумли қурилмалар ёрдамда бир кеча-кундузда 200 тонна уруғлик дони сараланаётди. Кўриниб турибдики, замонавий жиҳозлар маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини янада яхшилаш билан бир қаторда электр энергияси сарфини камайтириш имконини бераётди.

Акбар АЛИЕВ

Маънавият БИБЛИОГРАФИК НАШРЛАР

Кейинги йилларда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти томонидан кўпгина тўпламлар чоп этилмоқда.

Айниқса, электрон кутубхона ва улар учун электрон ресурсларга доир йилма электрон каталогларнинг қатор намуналари ҳам босма юзини кўрди. Тошкент Давлат маданият институтининг ахборот-кутубхона фаолиятини бошқарув факультети битирувчилари тақдим этган йилма электрон каталоглар ҳам мутахассислар эътиборини ўзига тортмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мутахассислари билан бирга тузилган «Алишер Навоийнинг 20 жилдлик мукаммал асарлар тўплами тўла матнли маълумотлар базаси» ҳам китобхона эътиборини ўзига тортди. Академик олим профессор Азиз Қаюмовнинг 10 жилдлик асарлар тўплами асосида Алишер Навоий асарларининг илмий талқинлари эса тўла матнли маълумотлар базасининг яратилишида асос бўлиб хизмат қилди.

Анвар ВАЛИЕВ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ўртага ташлаган: «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари», – шиорининг мазмун-моҳиятида бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини, яъни демократик кадриятларга изчил амал қиладиган ҳуқуқий давлатни қуриш мақсади мужассам.

Шу асосда давлатнинг кўплаб функциялари босқичма-босқич жамоат бирлашмалари, но-давлат ташкилотлар зиммасига ўтиб боради. Шундай қилиб, фуқаро фаоллашади, унинг жамият тақдирига дахлдорлиги, мамлакат равнақи учун масъуллиги ошиб боради.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва хотин-қизлар кўмитаси жамоат ташкилотлари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири мамлакатимизда ўз муайян тизимига эга. Аммо бу тизимларнинг жамиятда тутган ўрни ва маъноси, амалга ошираётган эзгу ишлари мамлакат ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Шунга қарамай, бу уч жамоат тузилмаси ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, уларнинг биргаликдаги фаолияти самарадорлигини янада оширишга эҳтиёж – жуда катта.

Шунинг учун ҳам халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлиmlарни ҳамда шаҳар Хотин-қизлар кўмитасининг ҳамкорликдаги фаолияти тўғрисидаги ахборот тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2006 йил 25 августдаги 451-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг яқунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 24 январдаги мажлиси баёнида, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлиmlлари ва Хотин-қизлар кўмитасининг маъноси, масъулияти ва иш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги 2012 йил 9 февраль ва 25 мартдаги йиғилиши баёнларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида талай эзгу ишлар амалга оширилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлиmlлари ва шаҳар Хотин-қизлар кўмитасининг иш самарадорлигини ошириш ва улар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш бўйича Кенгаш таркиби ҳамда қабул қилинган дастур ва режаларнинг ижроси бўйича Мониторинг гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Тошкент шаҳрида хотин-қизлар ва вояга етмаганлар билан боғлиқ салбий ҳолатларни бартараф этиш, уларга муносиб турмуш шароитини яратишдаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича ҳар учала ташкилотнинг 2012 йилнинг 1-чорагида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар дастури, ҳафталик иш режалари тасдиқланган, мунтазам равишда улар ижроси юзасидан маълумотлар Мониторинг гуруҳига тақдим этиб борилмоқда.

Мулкчилик шаклидан катъи назар, 5 нафардан ортиқ ёшлар ва хотин-қизлар ишлайдиган корхона, ташкилот, муассасаларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 732 та ва Хотин-қизлар кўмитасининг 8041 та бошланғич ташкилоти янгитдан тузилди.

Амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида корхона ва муассасалар раҳбарлари ўртасида бошланғич ташкилот тузилишидан мақсад, унинг вазифалари ва ўтказадиган тадбирлари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

Жорий йилнинг 28 мартидан 6 апрелига қадар оилаларнинг ижтимоий аҳолини ўрганиш ва зарур ҳолда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаб, оила аъзоларини иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш ва бошқа масалаларда олиб борилаётган ишларни ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳрининг барча туманларида ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотлари раислари, таълим, тиббиёт соҳаси раҳбарлари,

бандликка қўмаклашувчи марказ вакиллари, «Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази вакиллари, имом хатиблар иштирокида йиғилишлар ўтказилди. Йиғилишларда 2012 йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқида белгиланган масалалар ижросини таъминлаш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бундан ташқари, ижтимоий фаол ва тадбиркор аёлларни маҳаллалардаги учрашувларга кенг жалб этиб, туман фаоллари, олий ўқув юртлири ўқитувчилари оилавий муҳити оғир бўлган, турли диний ақидапарастлик оқими таъсирига тушган оилаларга бириктирилди.

Шунингдек, ҳар учала ташкилотнинг Адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтган нодавлат нотажорат ташкилотларидан бир нечтаси билан яқин ҳамкорлиги йўлга қўйилган. «Тадбиркор аёл» уюшмаси, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг шаҳар ва туман бўлиmlлари, Тошкент шаҳри «Ногирон аёллар ва болаларнинг маънавият ва маърифат маркази», «Ойдин

ўрганиб чиқилиб, мавжуд муаммолар аниқланмоқда.

Мазкур тадбирларда ички ишлар, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази туман бўлиmlлари, маҳаллалар ва диний идоралар вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Истикболли авлод» ёшлар маърифат маркази ҳамда Ички ишлар бош бошқармаси билан ҳамкорликда ўтган йил давомида 70 нафар алданиб қолган хотин-қиз чет эллардан қайтарилди, уларга тиббий, руҳий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Тошкент шаҳрида аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ва ракобатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ишлари анча жонлантирилгани сабабли кам таъминланган оилалар сони сезиларли даражада камайди.

Шунингдек, ўтган йил давомида маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кўмиталари томонидан шаҳарда истиқомат қиладиган ёш оилалар рўйхатлари қайта тузилди, уларнинг ижтимоий аҳоли ва шароитлари, бандлик масалалари ўрганилди, айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида «Қайнона-келин» мактаблари ташкил этилиши натижасида мингдан зиёд оила яраштирилиб, оилавий ажримларнинг олди олинди.

Бу таҳлиллар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Хотин-қизлар кўмитасининг ҳамкорликдаги фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 24 февралдаги мажлисининг «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Хотин-қизлар кўмиталари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш тўғрисида»ги баёнининг ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши махсус қарор қабул қилди.

Қарорда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлиmlлари ва шаҳар Хотин-қизлар кўмитасининг иш самарадорлигини ошириш ва фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Абдурахимованинг ахбороти маълумот учун қабул қилинди ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлиmlлари ва шаҳар Хотин-қизлар кўмитасининг иш самарадорлигини ошириш ва фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқланди.

Тошкент шаҳри ва туманлари ҳокимликларига тасдиқланган чора-тадбирлар дастури ва иш режалари бўйича «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлиmlи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлиmlи ва шаҳар Хотин-қизлар кўмиталарининг ҳамкорлигини таъминлаш топширилди.

Ҳар учала тизим бўйича шакллантирилган намунавий туман бўлиmlлари, корхона, ташкилот ва муассасалардаги намунавий бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлиги бўйича тегишли чоралар кўриш белгиланди.

Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юкланди.

Ҳақиқатан ҳам, аҳоли ўртасида биргаликда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилса, фаолиятлар ўзаро мувофиқлаштирилса, қўзланган мақсадга етиш мумкин.

Юқоридаги қарордан кўзланган муддао ҳам айнан шундан иборат. Шундай экан, «Ҳамкорликда ҳикмат кўп» деган сўзлар замирида чуқур маъно борлигини асло унутмаслигимиз лозим.

Қарорга шарҳ

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИҚМАТ КЎП

Ҳаёт» Республика соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш маркази, Тошкент шаҳри Шейнинг федерацияси, «Нафосат» аёллар ва ўсмир-ёшлар ўқув-амалиёт маркази, Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази ва бошқа ташкилотлар – шулар жумласидандир.

Хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билимларини, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, маънавияти ва маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб қилиш, хотин-қизларда ўз-ўзини англаш туйғусини мустаҳкамлаш, уларнинг маънавини оширишга қўмаклашиш, ёш қизларни миллий анъаналар ва маънавий бойликларни мерос қилиб олишга асосланган оилавий ҳаётга, баркамол оналикка тайёрлаш, ногирон аёллар, болалар ҳамда кам таъминланган кўп болали оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш – ҳамкорликнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Жумладан, Тошкент шаҳар «Истикболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази билан ҳамкорликда тасдиқланган режа ва жадвалга биноан, ҳар ойда барча туманлардаги идоралараро комиссия аъзолари иштирокида «Одам савдосига қарши курашишда оиладаги тарбиянинг ўрни» мавзусида тадбирлар ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 1-чораги давомида Миробод, Учтепа ва Олмазор туманлари ҳокимликларига ушбу мавзуда тадбирлар ташкил этилди. Бугунги кунда долзарб масала бўлган одам савдоси муаммолари тўғрисида маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш, аҳоли орасида тушунтириш ишларини янада кучайтириш, алдов йўли билан хорижий давлатларга кетиб, одам савдоси қурбонига айланиш ҳолатларининг олдини олиш, жабрланганлар ва уларнинг оила аъзоларини маънавий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилаётган тадбирларда бундай салбий ҳолатларнинг вужудга келиш сабабларини ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш ва бу иллатларни бартараф этиш каби масалалар атрофлича

Ўқув масканларида ТАЪЛИМ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Юртимизда таълим тизимида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Февраль ойида бўлиб ўтган халқаро симпозиум дунёнинг турли элатларидан келган меҳмонларга Ватанимизда ёшларнинг билим олишларига қаратилган эътибор юксак даражада эканлигини, бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилганлигини исботлаб берди.

Яқинда ана шундай халқаро анжуманлардан бири «Буюк Ипак йўлида испан тили ва маданияти» мавзусида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидан бўлиб ўтди.

Жаҳон таълим тизимида ўзига хос нуфузга эга бўлган Европа испан тили ўқитувчилари ассоциацияси беш қитъа бўйлаб ўз фаолиятини олиб борувчи халқаро нодавлат ташкилот ҳисобланади. Ташкилотнинг асосий мақсади испан тили, адабиёти ва маданияти борасидаги билимларни ошириш, чет тиллари ва адабиётни ўқитиш методлари борасида фикр алмашиш ва ташкилотта аъзо мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашдан иборат. Марказий Осиё бўйича бу ассоциацияга аъзо ягона давлат Ўзбекистон.

Анжуманда мамлакатимиз олий ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчилари, дипломатик корпус вакиллари, ёш олимлар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида талабалар томонидан испан тилидаги куй-қўшиқлар, рақслар гулдастаси намойиш этилди. Талабаларнинг хорижий тилда ўз она тилларидек талаффуз қилиши, испан маданиятидан хабарлиги меҳмонларни севинтирди.

— Мен Ўзбекистон ёшларининг келажаги порлоқ деб биланман. Уларнинг бир неча тилларда, шу қатори испан тилида ҳам эркин гаплашишлари, техника, илм-фан янгилликларидан хабардор эканлиги мени жуда хурсанд қилди. Бу таълим тизимининг яхши йўлга қўйилганлигини далолат беради, — дейди Европа испан тили ўқитувчилари ассоциацияси президенти Пилар Сельва хоним.

Икки кун давом этган анжуманнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ва Европа испан тили ўқитувчилари ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланиб, келажақда Испаниянинг Кадрус университети билан доимий алоқани йўлга қўйиш ҳақида келишиб олинди. Анжуманнинг барча иштирокчиларига ва ўз маърузалари билан қатнашган профессор-ўқитувчиларга сертификатлар топширилди.

Шунингдек, икки нафар ўқитувчи грантни қўлга киритиб, Испанияда малака ошириш имкониятига эга бўлди.

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika Mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Тошкент шаҳар, Миробод тумани суд ижрочилири бўлими томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Ваз-2107» русумли, д/р 01-633WAA бўлган, 2008 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 01.12.2011 йилдаги №25086/7. Бошланғич баҳоси – 10 200 000 сўм.
2. «Ваз-21083» русумли, д/р 20F822AA бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.10.2011 йилдаги №20061/21. Бошланғич баҳоси – 5 800 973 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 22 май кун соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 18 май кун соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилири вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

с 14 апреля по 27 мая

ЦАРЬ ШАРОДИИ

БОЛЬШАЯ РАВНООБРАЗНАЯ ПРОГРАММА

В ПРОГРАММЕ ПРИНИМАЮТ УЧАСТИЕ: ПАРОДИСТ, ВАЛЕТНАЯ ГРУППА, ГИМНАСТИ, АКРОБАТЫ, ДРЕССУРА - В МИРЕ ЖИВОТНЫХ

Масха.Тел.: 244-35-91, 244-35-94 244-32-23, 244-35-09 www.silk.kz

Ёшлар учун лойиҳалар

БИЗ БИР ЖАМОА — БИЗ БИР ОИЛА

Фонд Форум ва «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари марказининг энг йирик лойиҳаларидан бири — «Биз бир жамоа, биз бир оила» акцияси шу йилнинг 26 мартдан 24 апрелига қадар Республикамининг барча ҳудудларида ўтказилди.

Аънавий тарзда олтинчи бор ташкил этилган лойиҳа вилоят ҳокимликлари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси, БМТнинг аҳолишунослик бўйича жамғармаси каби қатор ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида республикамизнинг турли шаҳарларида 170 га яқин ҳар хил йўналишдаги тадбирлар ташкил этилиб, унда 85 мингдан зиёд ёшлар иштирок этишди. Кунни кеча эса «Биз бир жамоа, биз бир оила» акциясининг сўнгги тадбири Тошкент вилоятида бўлиб ўтди.

«Биз бир жамоа, биз бир оила» акциясининг асосий мақсади ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ташаббус ва янги фойдаларни қўллаб-қувватлаш, Фонд Форум ҳамда «Келажак овози» ЕТМнинг ёшларга қаратилган лойиҳалари ҳақида янада кўпроқ маълумот бериш, ҳудудий ташкилот ва муассасалар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнаттириш. Мазкур акциянинг ўзига хос жиҳати шундаки, лойиҳа доирасидаги деярли барча тадбирлар ёшларнинг ўзлари томонидан ташкил этилади. На-тижада, лойиҳа иштирокчилари ўз тенгдошлари билан фикр алмашиш, турли йўналишлардаги тақдимот ҳамда семинар-тренингларда иштирок этиш имко-нига эга бўладилар.

Ёшлар ташаббуслари форуми Фонд Форумнинг ёшларга қаратилган лойиҳа голиблари, «Келажак овози» ЕТМ фа-

оллари, иқтидорли йигит-қизлар, олий ўқув юрти талабалари, маҳаллий ҳоким-лик вакиллари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, Савдо-саноат палатаси, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва қатор ҳамкор ташкилотлар мутахассислари иштирокида ташкил этилаётган тадбир очик мулоқот тарзида ўтказилди. Шунингдек, Ёшлар ташаббуслари форумида йигит-қизлар ўз тақлифлари, амалга ошириш ниятидаги лойиҳалари тақдимотини ўтказишди. Муҳокама давомида тадбир иштирокчилари таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш; ёшларнинг кичик бизнес ва тадбиркорликдаги ўрни ҳамда уларга яратилган имкониятлар; инновацион, рационализаторлик ва техник йўналишлардаги истиқболли лойиҳалар ва уларни ҳаётга татбиқ этиш; ёшларни иш билан таъминлаш соҳасида олиб борилаётган фаолият, уларнинг бандлигини ташкил этиш ва касбий тўхтам; оммавий ахборот воситалари соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар каби мавзуларда муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида фикр алмашдилар.

Акция якунида энг яхши лойиҳа муаллифлари ташкилотчиларнинг қимматбахо совғаларига эга бўлиш баробарида, ўз лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш учун йўлланмани қўлга киритдилар.

Рухсора ЭЛЬМУРАТОВА



Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Тасвирий санъат+5» илҳодий ҳафталиги доирасида халқ амалий санъати усталарининг миниатюра асарларидан иборат кўргазма ташкил этилди. Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

Спорт

ЎСМИРЛАР ИСПАНИЯГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Маълумки, БААда 2-18 ноябрь кунлари футбол бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги 19 ёшга бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Испанияга жўнаб кетди. Икки ҳафта давом этадиган ўқув-машғулот йўғини доирасида ёшлар терма жамоамизнинг мураббийлари 23 нафар футболчининг jisмоний ва руҳий тай-

ёргарлигини яна бир қарра кўздан кечиришади. Машғулотлар доирасида Европанинг бир неча терма жамоалари ва клублари билан назорат-ўртоқлик учрашувлари ўтказиш кўзда тутилган Осиё чемпионатида қуръа ташлаш маросими 13 май кунини Дубай шаҳрида бўлиб ўтади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Тадбиркорлик жамият равақи, аҳоли фаровонлигининг муҳим омилли, иқтисодийётни барқарорлаштириш воситаси. Шу боис мамлакатимизда тадбиркорлик, кичик бизнес субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари суртилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да бу ҳақда шундай фикр юритилади: «Биринчи навбатда хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур. Ҳар бир тадбиркор аввало шунини аниқ равшан билиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим».

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу йўлдаги ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш, давлат назорат органларининг корхоналар фаолиятига ноқонуний аралашувиға тўла барҳам бериш мамлакатимиз тараққийётининг муҳим вазифаларидандир. Тадбиркорга йўл бермаслик тараққийётга, эл-орт фаровонлигига тўсиқ бўлиш билан баробардир. Шу боис, бундай иллатларга қарши кураш давлат назорат органларидан бирига айланмоқда. Шу билан бирга, ўз мансабининг суиистеъмол қилиш, таъмагирилик ҳолатларига барҳам бериш, тадбиркорлик йўлига қўйилаётган сунъий тўсиқларга мурасасиз бўлишни тақозо этади.

Ҳамшахримиз Н.Руденко Миробод тумани Мунис кўчасида жойлашган дўконни сотиб олиш ва ўз тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ниятида юрган эди. Ана шу дўкон Давлат мулк қўмитаси томонидан ўтказилаётган аукцион-

лардан бирида савдога қўйилганидан хабар топган унда иштирок этиш ҳаракатиға тушди. Сабаби, у анчадан буюн тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида дўкон сотиб олиш ҳаракатида юрган эди. Зарур ҳужжатларни керакли жойларга топширди. Кўрасаки, у каби кўчмас мулк олиш ҳаракатида ушбу аукционга қатнашадиганлар оз эмас

Тадбиркорлик — прокуратура ҳимоясида НОҚОНУНИЙ «МАСЛАҲАТ»

экан. Аукцион ўтказилишига эса саноқли кунлар қолмоқда. Мана шундай кунларнинг бирида у Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлигининг маслаҳатчиси Қосимжон Нуров билан учрашиб қолди. Н.Руденко ўзини ўйлантриб келаётган масалада ундан маслаҳат сўраган бўлади. Қ.Нуров эса бу борада унга ёрдам бериши мумкинлигини, фақат бунинг озгина харажати борлигини айтади. — Узингиз ҳам билсангиз керак, аукционда рақобат кучли бўлса дўконни сотиб олишингиз осон кечмайди. Агар менга 150 доллар атасангиз, ҳеч қандай тўсиқларсиз дўконга эга қиласиз, — деди Қ.Нуров. — Иложим бор деб ўйлайсизми? — иккилангандай сўрайди Н.Руденко. — Албатта-да. Буюғини менга қўйиб беринг. Фақат суд мен айтган суммани олиб келсангиз бўлди, — дея сирли суҳбатта яқун ясади Қ.Нуров.

Унинг хизмат хонасидан чиқиб кетар экан, Н.Руденко бир тўхтамга кела олмаётган эди. Бутун бошли дўкон хариди олдиди бу арзиманган харажат нима деган гап? Н.Руденко ҳам аввалига шундай ўйлаган эди. Аммо бу ерда қонунбузарлик содир этилмоқда. Ана шу қонунга зид ишга шерик бўлишни, қолаверса қонуний йўл туриб ноқонуний йўлдан боришни истамаган Н.Руденко бир қарорга келди.

У Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлигининг маслаҳатчиси Қосимжон Нуров ундан пора талаб қилаётгани ҳолати бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга тегишли тартибда ариза билан мурожаат қилади.

Н.Руденконинг аризаси юзасидан ўтказилган тезкор тадбир давомида 2011 йил 7 сентябрь кунини соат 14.00 ларда Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 14-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бинасида, ўз хизмат хонасида Қ.Нуров Н.Руденкодан 150 АҚШ долларини пора тариқасида олган вақтида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан ушланди.

Суд мажлисида Қ.Нуров судга ариза билан мурожаат қилиб, Олий Мажлис Сенатининг қарори билан Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги Қарорига асосан унга нисбатан юри-тилган жиноят ишини харажатдан тўхтатишни сўради. Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди Қ.Нуровнинг аризасини қаноатлантиришни ва унга нисбатан қўзғати-лган жиноят ишини 2011 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорининг 7-бандига асосан харажатдан тўхтатишни лозим топди.

Ўйлаймизки, Қ.Нуров қўлланилган амнистиядан ўзи учун тегишли хулоса чиқариб олади.

Ж.ИРМАТОВ, Тошкент шаҳар прокуратураси катта терговчиси Д.ИСРОИЛОВ, журналист

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми? Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми? Унда шошилиб таваккал қилманг. Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совришингиз мумкин. Кўчмас мулк бозорига 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади. Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шакалланган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади. Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунийликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради. Унутманг! «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ кўчмас мулк бозорига энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир. Мурожаат қилинг ва барака топинг! Лицензия: RR-0001.

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИДО ДОНО БИНАР

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Доно бутун умр ўрганади, Нодон бутун умр ўргатади.

Бировга яхшилик қилиб ҳам балога қолиш мумкин.

Бекорчининг кунини ўтмас.

Ўзини чеклолмаган кўп нарсага эришолмайди.

Қасам ичиш — ожизлик белгиси.

Ўздан ортмагандан умид қилма.

Кутмаганинг олдиндан чиқади.

Ҳамиша ҳам айтганинг бўлавермайди.

Бадбахтнинг ҳар кунини дилсиёҳлик билан ўтади.

Фаросат кўп нарсага ҳал қилади.

Ким ақл билан яшайди, Ким нақл билан.

Кимнинг бўйи баланд, Кимнинг ўйи.

Рағбат гайрат қўзғатади.

Кимнинг бошидан ўтган, Кимнинг қошидан.

Кўлидан келмаган иш билан ўзини овора қилиб юриш — аҳмоқлик белгиси.

Ғийбатдан тухмат туғилади.

Югурган ўзади, Ўтирган тўзади.

Ўзини ўйлаган бошқани унутди.

Нодон билганидан қолмайди.

Кўли очикнинг ризқи сочик.

Бировнинг ҳақи тутди.

Кўнғил кенлиги ҳам бир давлат.

Ожиз шикоят қилади, Кучли ҳаракат.

Бу дунёда кераксиз одам йўқ.

Мақтовни кейинги ишларига рағбат деб билган ютади.

(Давоми бор) Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ. кундузи — 23-25 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 27 апрелда Тошкент шаҳрида 27 апрель кунини ҳаво ўзагиб туради, ёмғир, жасла ёғиш эҳтимоли бор. Ғарбдан секундиға 3-8 метр тезликда, жасла вақтида секундиға 15-20 метр тезликда кучайган ҳолда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 14-16 даража ишиқ, шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фойз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори наст бўлади.